XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятнинг доимий аҳолисининг сони 1 403,2 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 21,1 минг кишига ёки 101,5 фоизга кўпайди. Шундан 656,5 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 46,8 %) ва 746,7 минг киши – қишлоқ жойларида (53,2 %) истиқомат қилади.

Жиззах вилоятининг ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			*Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда*			*Доимий аҳоли сонининг вилоятда улуши, фоизда*		
	жами	*шу жумладан:*		*жами*	*шу жумладан:*		*жами*	*шу жумладан:*	
		шаҳар	*қишлоқ*		*шаҳар*	*қишлоқ*		*шаҳар*	*қишлоқ*
Жиззах вилояти	**1403,2**	**656,5**	**746,7**	**102,1**	**101,9**	**102,3**	**100**	**46,8**	**53,2**
шаҳар:									
Жиззах	179,9	179,9	0,0	101,9	101,9	0,0	12,8	27,4	0,0
туманлар:									
Арнасой	46,3	16,0	30,3	101,3	101,9	101,0	3,3	2,4	4,1
Бахмал	158,5	42,8	115,7	102,2	101,9	102,3	11,3	6,5	15,5
Ғаллаорол	174,1	61,1	113,0	102,2	101,7	102,5	12,4	9,3	15,1
Шароф Рашидов	224,5	88,6	135,9	102,6	101,5	103,3	16,0	13,5	18,2
Дўстлик	66,3	28,0	38,3	101,8	101,5	102,1	4,7	4,3	5,1
Зомин	166,0	78,6	87,4	102,1	101,8	102,3	11,8	12,0	11,7
Зарбдор	87,5	48,5	39,0	102,7	102,3	103,2	6,2	7,4	5,2
Зафаробод	50,4	23,0	27,4	101,6	100,0	101,9	3,6	3,5	3,7
Мирзачўл	52,4	29,3	23,1	101,9	102,5	101,8	3,7	4,5	3,1
Пахтакор	75,3	36,7	38,6	101,8	101,4	102,1	5,4	5,6	5,2
Фориш	93,5	17,3	76,2	101,4	101,2	101,6	6,7	2,6	10,2
Янгиобод	28,5	6,7	21,8	101,8	113,4	98,6	2,1	1,0	2,9

Вилоят доимий аҳолиси сони таркибида ҳудудлар улуши, % да

(2020 йил 1 октябрь холатига)



Январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари

Кўрсаткичлар	*Киши сони*		*1000 аҳолига нисбатан*	
	2019 йил	*2020 йил*	*2019 йил*	*2020 йил*
Туғилганлар	26 806	28 188	26,3	27,0
Никоҳлар, мингта	8 730	8 748	8,6	8,4
Ажралишлар, мингта	846	748	0,8	0,7

Туғилиш. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида туғилганлар сони 28 188 кишини ташкил этди ва 2019 йилнинг шу даврига (26 806 киши) нисбатан 1 382 кишига кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 27,0 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффициентининг сезиларли кўпайиши Бахмал (30,7 промилледан 31,6 промиллегача), Жиззах шаҳар (22,0 промилледан 23,7 промиллегача), Зарбдор (27,7 промилледан 29,4 промиллегача) Ғаллаорол (27,5 промилледан 29,0 промиллегача), туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Ҳудудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффициенти

2020 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)

Никоҳлар ва ажралишлар. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 8 748 та никоҳлар ва 748 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган, 1 000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 8,4 ни (2019 йилнинг январь-сентябрь 8,6 бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффициенти 0,7 ни (2019 йилнинг январь-сентябрида 0,8 бўлган) ташкил этган.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойида вилоят бўйича тузилган никоҳ коэффициенти

Тузилган никоҳлар сони 2019 йилнинг мос даврига нисбатан айрим худудларда камайиш кузатилган. Бунда энг юқори камайиш суръати Зомин туманида (84,3 %) ва Пахтакор туманида (87,6 %) тўғри келмоқда.

Ҳудудларда январь-сентябрь ойларида тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

(кишида)

	Тузилган никоҳлар		*Никоҳдан ажралишлар*	
	2019 й.	*2020 й.*	*2019 й.*	*2020 й.*
Жиззах вилояти	**8 730**	**8 748**	**846**	**748**
шаҳар:				
Жиззах	1 073	943	148	126
туманлар:				
Арнасой	245	283	28	28
Бахмал	1 042	1 115	67	59
Ғаллаорол	1 113	1 217	98	93
Шароф Рашидов	1 475	1 674	120	115
Дўстлик	349	392	29	30
Зомин	1 091	920	99	92
Зарбдор	522	485	58	52
Зафаробод	311	332	23	26
Мирзачўл	263	241	50	21
Пахтакор	517	453	54	39
Фориш	564	523	53	41
Янгиобод	165	170	19	26

Ҳудудлар кесимида никоҳдан ажрашганлар сони ва коэффициенти
(2020 йил Январь-сентябрь)



Ажримлар сонини 2019 йилнинг мос даврига нисбатан таққосланганда, юқори ўсиш суръати Зафаробод (113,0 %), Янгиобод (136,8 %) туманларига тўғри келмоқда.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4 986 киши, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 7 417 киши ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус 2 431 киши ташкил этган, 2019 йилнинг мос даврида минус 740 киши бўлган.

Январь-сентябрь ойларида аҳолининг миграция кўрсаткичлари

(киши)

	Келганлар		*Кетганлар*		*Миграция сальдоси*	
	2019 й.	*2020 й.*	*2019 й.*	*2020 й.*	*2019 й.*	*2020 й.*
Жиззах вилояти	**7 760**	**4 986**	**8 500**	**7 417**	**-740**	**-2431**
шаҳар:						
Жиззах	1 428	1 278	1 701	1 309	-273	-31
туманлар:						
Арнасой	248	142	396	349	-148	-207
Бахмал	421	225	883	815	-462	-590
Ғаллаорол	448	281	676	774	-228	-493
Шароф Рашидов	1 971	1 143	1 119	1 000	852	143
Дўстлик	423	361	551	433	-128	-72
Зомин	380	122	641	601	-261	-479
Зарбдор	512	344	489	394	23	-50
Зафаробод	295	136	365	327	-70	-191
Мирзачўл	632	376	333	287	299	89
Пахтакор	561	318	618	500	-57	-182
Фориш	299	174	573	496	-274	-322
Янгиобод	142	86	155	132	-13	-46

Миграция сальдосининг юқори даражаси Бахмал (минус 590 киши), Ғаллаорол (минус 493), Зомин (минус 479) ва Фориш (минус 322) туманларида қайд этилди. Миграциянинг ижобий сальдоси Шароф Рашидов тумани (плюс 143 киши) ва Мирзачул (плюс 89 киши) кузатилди.

XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

2020 2020 йил январь-сентябрь ойларида Жиззах вилояти бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи миқдори

(дастлабки маълумот)

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2020 йил январь-сентябрь ойларида Жиззах вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **2 093,1 минг сўмни** (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этди.

Тармоқлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи

(2020 йил январь-сентябрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

	Ўртача ойлик иш ҳақи, *минг сўм*
Жиззах вилояти бўйича – жами	**2 093,1**
шу жумладан:	
Саноат	2 261,5
Қурилиш	1 273,1
Савдо	2 555,2
Ташиш ва сақлаш	1 541,8
Яшаш ва овқатланиш	1 359,3
Ахборот ва алоқа	2 750,6
Молиявий ва суғурта фаолияти	5 842,6
Таълим	1 887,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 833,9
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	2 582,7
Бошқа фаолият турлари	2 237,9

Соҳалар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи миқдори ва ўсиш суръати

(2020 йил январ-сентябр; қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субектларидан ташқари.)



Юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилот ходимлар сони, иш ҳақи фонди ҳамда ўртача ойлик иш ҳақи

(2020 йил январ-сентябр; қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субектларидан ташқари.)

	Корхона ва ташкилотлар сони, бирлик:	*Ходимлар сони, киши:*	*Иш ҳақи фонди, млн.сўм:*	*Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм:*
Жиззах вилояти бўйича – жами	**2 275**	**96 025**	**1 786 372,8**	**2 093,1**
шу жумладан:				
Саноат	35	11 552	235 121,6	2 261,5
Қурилиш	4	743	8 513,4	1 273,1
Савдо	12	1 248	28 700,2	2 555,2
Ташиш ва сақлаш	10	1 043	14 472,7	1 541,8
Яшаш ва овқатланиш	3	60	734,0	1 359,3
Ахборот ва алоқа	18	475	11 758,8	2 750,6
Молиявий ва суғурта фаолияти	28	1 998	105 060,8	5 842,6
Таълим	916	44 844	761 844,3	1 887,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	71	18 866	311 391,3	1 833,9
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	69	872	20 268,7	2 582,7
Бошқа фаолият турлари	1 109	14 324	288 507,0	2 237,9

Саноат соҳаси бўйича бир қатор шаҳар ва туманлар ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг вилоят ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткичлари кузатилди. Вилоят ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткичлар Пахтакор тумани - 128,0 %, Жиззах шаҳри - 105,6 % ҳиссасига тўғри келган.

Шу билан бирга, вилоятнинг баъзи туманларида ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг вилоят даражасидан паст эканлиги кузатилди.

Иш ҳақининг нисбатан паст кўрсаткичлари Дўстлик – 97,1 %, Фориш – 82,3 %, Зарбдор – 79,1 % ҳамда Шароф Рашидов – 77,9 % туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Қурилиш соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақини кўрадиган бўлсак, энг юқори кўрсаткич Мирзачўл – 200,0 %, Жиззах шаҳрида – 182,1 % вилоят даражасидан юқори кўрсаткичлар кузатилди.

Шу билан бир қаторда, вилоятнинг баъзи туманлари қурилиш соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи вилоят даражасидан паст бўлди.

Қурилиш соҳасида вилоят кўрсаткичидан сезиларли даражада паст ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи Зафаробод – 68,2 %, туманида кузатилди

Савдо соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақини кўрадиган бўлсак, энг юқори кўрсаткич Дўстлик – 121,9 % ва Жиззах шаҳрида – 100,9 % вилоят даражасидан юқори кўрсаткичлар кузатилди.

Шу билан бир қаторда, вилоятнинг баъзи туманлари қурилиш соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи вилоят даражасидан паст бўлди.

Савдо соҳасида вилоят кўрсаткичидан сезиларли даражада паст ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи Бахмал – 92,6 % ва Пахтакор – 39,0 % туманларида кузатилди

Таълим соҳаси бўйича қатор шаҳар ва туманларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг юқори кўрсаткичлари кузатилди.

Вилоятдаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақига нисбатан сезиларли юқори кўрсаткичлар Жиззах шаҳри – 116,1 % ва Зомин тумани – 110,2 %, Бахмал тумани – 109,9 % ҳиссасига тўғри келган

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг баъзи туманларда вилоят ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Арнасой – 99,7 %, Зарбдор – 98,5 %, Пахтакор – 96,0 % ҳамда Дўстлик – 95,0 % туманлари ҳиссасига тўғри келган.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткичлари Жиззах шахри – 125,1 %, Зафаробод тумани – 107,1 %, Мирзачўл тумани – 106,5 % ва Ғаллаорол тумани – 104,3 % ҳиссасига тўғри келган.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи баъзи туманларида вилоят ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичидан паст бўлди.

Хусусан, иш ҳақининг нисбатан паст кўрсаткичлари Дўстлик – 97,9 %, Пахтакор – 90,7 %, Шароф Рашидов – 90,4 % ҳамда Бахмал – 87,9 % туманларида кузатилди

Банк, суғурта ва воситачилик фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан кўриб чиқилганда энг юқори кўрсаткич Жиззах шаҳрида – 103,1 % ни ташкил этди.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи вилоятнинг баъзи туманларида вилоят ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичидан паст бўлди.

Иш ҳақининг сезиларли паст кўрсаткичлари Янгиобод тумани – 65,2 %, Зомин тумани – 64,5 %, Пахтакор тумани – 46,1 % ҳиссасига тўғри келди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини ҳудудлар бўйича кўрадиган бўлсак, ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Жиззах шаҳрида 2 663,2 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 127,2 %) ни ташкил этди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи вилоятнинг баъзи туманларида вилоят ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичидан паст бўлди жумладан, Пахтакор туманида 2 028,7 минг сўмни (96,9 %) ва Дўстлик туманида 1 968,9 минг сўмни (94,1 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2020 йил январь-сентябрь, минг сўмда)



Ҳудудлар бўйича ўртача иш ҳақи миқдорининг вилоятдаги ўртача иш ҳақига нисбатан ўсиши

(2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини то'лиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2020-йил март ойида 679,3 минг сўмни ташкил этган, Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 18-январдаги 47-сонли қарорига биноан, меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига ўзгартириш киритилди ва 1,2,3-разрядлари коэффициентлари оширилди) бўйича белгиланган миқдордан оз бўзлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.